O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS PALATASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2002 йил 13 март чоршанба

Сотувда эркин нархда № 51 (2879)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

Вашингтон. 12 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Кеча расмий ташриф билан Вашингтонга келган Ислом Каримовни АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли "Эндрюс" авиабазасида Давлат котибининг ўринбосари Элизабет Жоунс ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Мамлакатимиз раҳбари АҚШ Президентининг фахрий меҳмонлар уйи — "Блэйр хаус" қароргоҳига жойлашди.

Бугун Ислом Каримов АҚШ Президенти Жорж Буш, давлат котиби Колин Пауэлл ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

(ЎзА).



— Бу кунларнинг гашти ўзгача, Шаҳар узра гўё файз елар. Набирамга боққаним сайин, Мен болага айлангим келар!

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) сурат-лавҳаси.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САМАРАЛИ ИШЛАМОҚДА

Бундан саккиз йил муқаддам Бухоро шаҳрида "Мармар" Ўзбекистон—АҚШ қўшма корхонаси иш бошлаган эди. Айни кунларда юз нафарга яқин киши меҳнат қилаётган қўшма корхонада йилига 54 минг квадрат метр мармар плиталар ишлаб чиқарилиб, хорижга экспорт қилинмоқда.

Бундан икки йил муқаддам Бухорода яна бир — "Бухоро—Америка" қўшма корхонаси иш бошлади. Ушбу корхона гилам ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ўтган йил Наврўз айёми арафасида эса Қоракўл туманида "Қоракўлтекс" Ўзбекистон—АҚШ қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди. Уни Американинг "Делфи ЛЛС" фирмаси ҳамда "Бухоротекс" акциядорлик жамияти ҳамкорликда ташкил этди.

"Қоракўлтекс"да "Асакабанк" орқали Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан олинган кредит ҳисобига Германиянинг "Тручлер", "Шлафхорст" ва Чехиянинг "Элитекс" фирмаси ҳаво сўриш йўли билан ишлайдиган ускуналари ўрнатилган. Бундан ташқари "Делфи ЛЛС" ўз улушининг бир қисми сифатида "Кемницер шпиенпай машиненбау" фирмасининг ҳалқали йигирув дастгоҳларини келтирди.

Корхона бир кунда 8-10 тонна, йилига 3 минг 800 тоннагача трикотаж, саноатбоп қалава ишлаб чиқармоқда. Корхона маҳсулотлари Швейцария, Италия тўқув ва трикотаж корхоналарига экспорт қилиняпти. Айни пайтда бу ерда 300 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланган.

Илҳом САФАР, ЎзА мухбири.

Тошкент Давлат аграр университетида мазкур олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабаларнинг "Келажагимиз тимсоллари" деб номланган учрашуви бўлиб ўтди.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМИЗ

Уни университет ректори, профессор Ҳасан Бўриев очди. Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ оила, она ва бола манфаатларини ҳимоялаш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини янада мустаҳкамлаш, айниқса, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Хусусан, изчиллик билан амалга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг натижаси ўлароқ ҳозирги кунда мазкур илм даргоҳида етти минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Улар орасида салмоқли муваффақиятларни қўлга киритган иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори Елена Аблаева, сузиш бўйича уч карра Осиё чемпиони Саида Искандарова, ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Одил Тулендибоев каби талабалар шулар жумласидандир.

Учрашувда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2002 йилги совриндори, Тошкент Давлат аграр университети аспиранти Мастура Умаровага мазкур мукофот нишони ва дипломи тантанали равишда топширилди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Мустақиллик йилларида нафақат Тошкентнинг, балки мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари, туманлари, аҳоли яшаш пунктлари ташқи қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ушбу ютуқлар шаҳарсозликнинг тез суръатлар билан ривожланиши, соҳага энг замонавий қурилиш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқдир.

Жорий йилнинг 12-14 март кунлари пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Буюк Британиянинг ITE Group PLC кўргазма компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesa-Osiyo компанияси томонидан ташкил этилган "Қурилиш, жиҳозлаш, иситиш ва шамоллатиш" — ЎзБилд-2002 3-Ўзбекистон Халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.

Очилиш маросимида таъкидланганидек, мазкур кўргазма Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг жаҳон бозорида харидоргирлигига ва уларнинг ички бозорда импорт ўрнини босиши масаласини ҳал этишда ёрдам бериши шубҳасиздир. Боз устига ушбу кўргазма Ўзбекистонда қурилиш саноатига бағишланган ягона кўргазма ҳисобланади. Жорий йилда ушбу лойиҳа алоҳида тадбир сифатида ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда "Ўзқурилишматериаллари" акционерлик компанияси кўргазмага расмий жиҳатдан ёрдам бераётир.

Кўргазмада энг замонавий қурилиш ва пардозлаш материаллари, сантехника, керамика, шамоллатиш ва автоном иситиш тизими, электртехника ҳамда ёритиш ускуналари кенг намойиш этилган. Унда жаҳоннинг 12 мамлакатидан 30 дан зиёд компания иштирок этаяпти. Айтиш жоизки, иштирокчилар сони ўтган йилга нисбатан уч баравар кўпайди ва экспозициянинг умумий майдони 100 фоизга кенгайди. Кўргазмага қўшни давлатлар ва Ўзбекистон ҳудудларидан 10 мингга яқин киши ташриф буюриши кутилмоқда.

Шунингдек, кўргазмада "Ўзқурилишматериаллари", "Savdo gurilish loyiha", "ЭСК-ПРО", "Араббой" каби маҳаллий компания ва хусусий фирмалардан ташқари, Туркиянинг "Виттур", Австриянинг "Герц Арматурен Гмбх", Белгиянинг "Daikin Europe NV", Россиянинг "КМЗ-Лифтсервис" каби ва бошқа кўплаб хорижий компаниялар ҳам иштирок этаётир.

"Қурилиш, жиҳозлаш, иситиш ва шамоллатиш" 3-Ўзбекистон Халқаро кўргазмаси Ўзбекистоннинг қурилиш соҳаси бозорини ривожлантиришда муҳим воқеа саналади. Бизнинг мамлакатимиз йилига 2,7-3 миллиард АҚШ доллари миқдорида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга қодир катта салоҳиятга эгадир.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Олий Мажлисда

«ХАЗИНА»ЛАР КЎПАЙЯПТИ

Кишилик тарихи турли хил тақдирлар, яратиш ва йўқотишлар билан тўлиб-тошган... Президентимиз мамлакатимиз ва миллатимиз тарихига бевосита дахлдор бўлган, лекин тақдир тақозоси билан жаҳоннинг турли бурчаклари — мамлакатларига сочилиб кетган маданий бойликларимизни юртимизга қайтариб олиб келиш мавриди энди етиб келганини айтган ва ана шундан сўнг Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида махсус комиссия тузилган эди. Кеча ана шу комиссиянинг навбатдаги ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумотларга қараганда ўтган йилнинг ноябрь ойида комиссия вакиллари Россия Федерациясига хизмат сафарида бўлишган. Россия фоно давлат архивида шу кунларда Ўзбекистонга бевосита тегишли бўлган 2700 га яқин овозли ҳужжатлар сақланаётгани аниқланган. Энг аҳамиятлиси шундаки, аниқланган овозли (фоно) ёзувларнинг 2600 таси биз учун янгиликдир. Шундан 296 та овозли ҳужжат ноёб саналиб, 1907-1913 йилларга тегишли экани янада аҳамиятлидир.

Красногорск шаҳрида жойлашган Россия кино ҳужжатлари давлат архивидан топилган кино ва фото ҳужжатлар эса бундан-да қимматлироқдир. Унда Ўзбекистонга бевосита тегишли бўлган 620 дан ортиқ кино ҳужжат борлиги аниқланган. Шундан 218 тасини янги топилма деб аташ мумкин. Мутахассислар уларнинг 204 тасини мамлакатимизга қайтариб олиб келиш лозим, деб ҳисобламоқдалар. Уларда, асосан, Ўзбекистоннинг 30-йиллардан кейинги ҳаёти акс этган.

Мутахассисларни ҳаммадан ҳам у ерда сақланаётган фотосуратлар ҳайратга солган. Ўтган асрнинг 20-ва 40-йиллари воқеалари акс этган ва бизда сақланмаётган 1300 дан ортиқ фотосуратлар борлиги аниқланган. Эндиги вазифа эса уларни юртимизга олиб келишдир. Бу борада музокаралар олиб бориляпти. Лекин бунинг учун, айни пайтда, ҳукуматлараро даражадаги битимга эҳтиёж сезилаётгани ҳам сир эмас.

Йиғилишда комиссия аъзолари яна бир қимматли маълумотни айтишди. Айни пайтда Лондон ва Санкт-Петербург шаҳарларида Камолиддин Беҳзоднинг 50 дан зиёд миниатюраларининг бизда йўқ бўлган асл нусхалари сақланаётган экан. Бундан ташқари Англия ва Ҳиндистон давлатларида Бобурийлар сулоласига тааллуқли бўлган кўплаб қимматли маълумотлар борлиги ҳам айтилди.

Йиғилишда комиссиянинг махсус бюллетенини чоп этиш ва унда аниқланган маданий бойликларимизнинг рўйхатини мунтазам бериб бориш ҳақида ҳам келишиб олинди. Қувончлиси шундаки, бундай «хазина»ларимиз рўйхати вақт ўтгани сайин кўпайиб боряпти.

Исмат ХУДОЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис VIII сессияси олдидан

ФАОЛЛИК ЯНАДА ОШАДИ

Икки палатали парламент эндиликда ҳаётимизнинг реал воқелигига айланди. Ўзбекистон халқи ўзининг розилигини — хоҳиш-иродасини овоз бериш йўли билан билдирди. Шунинг билан мамлакатимизда икки палатали парламентни ташкил этишнинг тамал тоши қўйилди. Бу халқимизнинг сиёсий саводхонлиги ва фаоллигини билдириш билан бирга кўпчилик бугунги сиёсатни қўллаб-қувватлаётгани ва унинг тарафдори эканлигининг ҳам ифодасидир.

Икки палатали парламентга ўтиш бу мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун жаҳоншумул воқеа. Унинг фуқаролар онги ва турмуш тарзига, ўзига хос тарзда таъсир этиши шубҳасиз. Шундай экан, мазкур тизимни яхлит механизм шаклида ташкил этиш, унинг ҳар бир мурвати равон ишлашини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Янгича парламент кўп йиллик ва кўп асрлик тарихий жараённинг ҳосиласидир. Инсоният томонидан кашф этилган ва алоҳида таъкидлашга молик бўлган сўнгги ютуқлардан яна бири — халқ иродасини ҳисобга олиш тизимидир.

Демократияга асосланган жамият барпо этилган давлатларда юқори палата минтақавий масалалар, қуйи палата эса сайловчилар, яъни маълум бир қатламларнинг фикрини ифодалайди. Бизда ҳам айни пайтда худди шундай йўсин таклиф этилмоқда. Юқори палата мамлакатимиз минтақалари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллий кенгашлар томонидан сайланган депутатлардан ташкил топиши мумкин. Пастки палата эса сиёсий партияларнинг вакилларидан иборат бўлади. Ана шу ўринда сиёсий партияларнинг эндиги тузилиши, таркиби қандай, вазифалари нималардан иборат бўлади, деган саволлар туғилиши табиий.

Юқори палата, асосан, қуйи палата қабул қилган қонунларни тасдиқлайди. Ва у бу жараёнда ўз минтақаси манфаатлари ҳамда ўзига хосликларидан келиб чиқади. Демак, ўз минтақавий аҳолисининг хоҳиш-иродаси, мақсад-муддаосига суянган ҳамда объектив шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда тегишли қарорлар қабул қилади.

Қуйи палатада қабул қилинган қонунлар юқори палата томонидан ҳозиржавоблик билан маъқулланиши, иккала палатанинг ҳам хоҳиш-истак, мақсад ва муддаоаларида уйғунлик бўлиши ҳамда парламентнинг иккала бўғини узвий боғлиқликда фаолият кўрсатиши учун сиёсий партияларнинг таркиби, тузилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

«ОҚСАРОЙ ТЎҚИМАЧИ» — ШАҲРИСАБЗ КЎРКИ

Шаҳрисабз шаҳрида "Оқсарой тўқимачи" ЛТД тўқимачилик корхонаси қурилиши поёнига етмоқда. Мазкур иншоот кейинги йилларда чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда бунёд этилган замонавий корхоналардан бири. Қўшма корхона Наврўз байрами арафасида ишга туширилди. Ўн икки гектар майдонни эгаллаган қўшма корхона мажмуи қадим ва навқирон Шаҳрисабз ҳуснига кўрк бўлиб тушмоқда.

Ҳозирда корхона ҳовлисида сўнгги ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

"Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси ип-газлама ишлаб чиқариш бошқармасининг бош мутахассиси Маҳкам Обидовнинг айтишича, корхонадаги барча дастгоҳлар Японияда келтирилган бўлиб, автоматлаштирилган ҳолда бошқарилади. Қўшма корхонанинг умумий молиявий қиймати 66,766 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бунинг 47,479 миллиони Японияниг Халқаро ҳамкорлик банки кредити, қолган 19,287 миллиони эса таъсисчиларнинг улуши ҳисобидан.

Корхонага Ўзбекистон томонидан Шаҳрисабз трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Садо" ҳиссадорлик жамияти таъсисчи. Туркиянинг "Бурсел" фирмаси ва Японияниг "Мицубуси Корпорейшин" корпорацияси қўшма корхонага ҳаммуассис.

Қўшма корхона қурилиши 2000 йил сентябрь ойида бошланган бўлиб, шартномага мувофиқ 24 ойда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган эди. Аммо қурувчиларнинг саъй-ҳаракати туфайли иншоот муддатидан беш ой олдин қуриб битказилди.

— Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 4 минг 800 тонна юқори сифатли экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилади, — дейди "Садо" ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳусан Каримов. — Шунинг 2 минг 800 тоннаси ип-калава, 2 минг тоннаси эса хом трикотаж полотно шаклида бўлади. Келгусида эса бу ярим хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш режалаштирилган. Муҳими шундаки, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот фьючерс шартномасига кўра тўлиғича четга сотилади.

Айни вақтда туркиялик ва япониялик мутахассислар ўзбек йигит-қизларига дастгоҳларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштиришда кўмаклашмоқда. Қўшма корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, Шаҳрисабз ва унга яқин туманларда яшовчи 640 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланади.

Абдужалол ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.

БАРАКАСИНИ БЕРСИН!

Сурхондарё вилояти далаларида чигитни плёнка остига экиш ишлари бошлаб юборилди. Мавсумга Шўрчи туманидаги Ж.Хўжамиёров, Охунбобоев номидаги ширкат хўжаликлари аъзолари биринчи бўлиб киришди. Вилоятнинг Олтинсой, Ангор, Термиз ва Музрабод туманларида ҳам плёнка остига чигит экиш авжида. Ҳозирга қадар қарийб 200 гектар майдонга уруғ қадалди.

Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири.

Ўзбекистон—Германия: ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизда касб-ҳунар таълими тизимини яратишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари учун малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдан иборат. Ушбу мақсад амалга оширилишини ҳорижий ташкилотлар ҳам қўллаб-қувватламоқда. Германия техник ҳамкорлик жамияти (ГТЦ) билан биргаликда амалга оширилаётган "Ўзбекистонда касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш" лойиҳасининг биринчи босқичи якунланди.

Пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида очилган конференцияда икки йил давомида амалга оширилган ишлар якунлари муҳокама этилади. У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва германиялик ҳамкорлар томонидан ташкил этилди. Конференцияда республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари, коллежлар директорлари, йирик корхоналар, шу жумладан, қўшма корхоналар ҳамда қатор халқаро молиявий ташкилотлар ва таълим лойиҳалари вакиллари иштирок этмоқда.

Таълим сифатини ошириш ва ўқув дастурлари мазмунини бозор иқтисодиёти талабларига имкон қадар яқинлаштириш — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичининг бош вазифасидир, — дея таъкидлади конференцияда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Ж.Ҳусанов. Президент Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 14 февралдаги мажлисида сўзлаган нутқида республикада ташкил этилган янги турдаги ўқув муассасалари — коллеж ва лицейларда ушбу вазифаларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим эканлигига эътибор қаратди. Ҳозирда янги турдаги ўқув муассасаларини зарур ускуналар билан жиҳозлаш, замонавий дарсликлар ва ўқув дастурлари ишлаб чиқиш учун инвестициялар жалб этиш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда. Шу мақсадларда халқаро молиявий ташкилотлар, шу жумладан, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлик ривожлантирилмоқда, хорижий жамғармаларнинг мақсадли кредитлари, грантлари жалб этилмоқда.

Германия техник ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳанинг дастлабки натижалари билан конференция қатнашчиларини лойиҳа мувофиқлаштирувчиси, доктор Ю.Купфер таништирди. Лойиҳа беш ярим йилга мўлжалланган. Унинг биринчи босқичини амалга оширишга 1,5 миллион немис маркаси ажратилган эди. Тошкент, пойтахт вилояти ва Самарқанд вилоятида жойлашган бешта коллежга зарур ўқув-лаборатория ускуналари келтирилди. Халқаро тажриба асосида улар учун янги ўқув режалари ва дастурлари, бир қатор янги касблар бўйича малака тавсифлари ишлаб чиқилди.

Муҳими шундаки, бу борадаги ишлар ишлаб чиқарувчилар — келгусида коллежлар битирувчиларини ишга ёлловчиларнинг бевосита иштироки ва ишлаб чиқариш талабларидан келиб чиқиб бажарилди. Коллежларнинг муҳандис-педагог кадрлари учун ўзбекистонлик ва германиялик экспертлар иштирокида қатор семинар-тренинглар ташкил этилди. Лойиҳанинг илк босқичи ижобий натижаларни берди ва энди икки йил давомида тўпланган тажриба асосида лойиҳа кўлами кенгайтирилади.

Анжуманда қайд этилдики, бугунги кунда ўқув муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, айниқса долзарб масала бўлиб турибди. Ҳозирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилаётган 2010 йилгача бўлган даврда малакали мутахассисларни тайёрлаш дастурида мазкур муаммони ҳал этишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Конференцияда ўқув муассасаларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ўрганувчи маркетинг хизматлари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқилади. Таълим жараёнини ташкил этишда фаол иштирок этиши лозим бўлган корхоналар ва тармоқлар билан ҳамкорликни ривожлантириш режалари белгиланади. Конференция қатнашчилари коллежларни жиҳозлаш, янги педагогик ва ахборот технологияларини, шу жумладан масофавий ўқитишни жорий этиш, янги ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқиш учун инвестицияларни янада кенгроқ жалб этиш истиқболларини муҳокама этади.

А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● Қувайт махсус бўлинмалари мамлакатда ноқонуний яшаётган «Толибон» ҳаракатининг етти аъзосини асирга олган. Ушбу маълумотни Қувайтнинг «al-Qabas» газетаси тарқатган. Махсус хизмат вакилларидан олинган ахборотга кўра, бу ердаги толибларнинг умумий сони 11 кишидан иборат бўлиши мумкин. Ҳозирда уларнинг қолган тўрт нафари ҳам қидирилмоқда.

● Исроил ҳарбийлари Ғазо секторидаги яҳудийлар яшовчи Нецарим қишлоғига киришга уринаётган пайтда 4 нафар фаластинликни ўлдиришган. Ҳарбийларнинг айтишича, улар Нецарим атрофларини ўққа тутишган.

Ғазо секторининг Жабалия ҳудудидаги қочоқлар лагерига Исроил аскарлари томонидан уюштирилган ҳужум натижасида эса бир неча фаластинлик ҳалок бўлган. Фаластин мухторияти махсус хизмат вакили ана шу ҳақда хабар тарқатган.

● Япония ҳукумати 1995 йилда Токио метросида заҳарли газ тарқатган «Аум Синрикё» диний сектаси ҳозир ҳам жамият учун хавфли эканлигини таъкидламоқда.

Япония адлия вазири «Шунинг учун биз уларнинг ҳар бир ҳаракатини назорат қилишимиз зарур», деди.

● Багам ороллари ҳукумати шу йилнинг 2 майида парламент сайловларини ўтказишга қарор қилган. Бу билан ўн йилдан буён мамлакат бош вазири лавозимида хизмат қилаётган ХьюбертИнгрэм истеъфога чиқиш ва парламент сайловларини ўтказиш ҳақидаги ваъдасини бажарган.

● АҚШ президенти Жорж Буш шу йилнинг май ойида Россия, Германия ва Францияга расмий ташриф буюради. Оқ уй маъмурияти вакилининг маълумотига кўра, Буш рафиқаси билан Германияда майнинг 22-23, Россияда 23-25, Францияда эса 26-27 кунлари бўлади.

Интернет.

Олий Мажлис VIII сессияси олдидан

ФАОЛЛИК ЯНАДА ОШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сиёсий партиялар вакиллари қуйи палатадан маълум ҳудуд ёки минтақа сайловчиларининг овозлари ҳисобига ўрин олиши инобатга олинса, улар парламентда нафақат ўз сайловчилари қарашларини, балки уларнинг минтақавий ёки ҳудудий йўналишдаги сиёсий муддаоларини ҳам ифода этишлари лозим бўлади. Сиёсий партия вакилларининг фақатгина маълум бир минтақа сайловчилари овозига таяниб қуйи палатадан ўрин олишга интилиши, истаймизми-истамаймизми, шу партиянинг қандайдир маънода ўзини сайлаган минтақа ёки минтақаларнинг хоҳиш-иродасини ёқлаб чиқишига ҳам замин, ҳам имкон яратади. Бундай ҳолатда минтақавий муаммоларни ҳал қилиш вазифаси таклиф этилаётганидек, фақат юқори палатага тегишли бўлиб қолмайди.

Мавриди келган экан, шу ўринда Олий Мажлис сессияси кун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорларини амалга оширишга доир қонун ижодкорлиги ишлари концепцияси тўғрисида»ги масалани алоҳида таъкидлашни истардим. Чунки референдум натижалари Парламент олдига амалдаги қатор қонун ва ҳуқуқий амалиётларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ёки лозим бўлганда уларнинг янги таҳрирларини тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Бизнингча, мавжуд ҳолат «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга ҳам жиддий ўзгартишлар киритишни тақозо этади. Биз, энг аввало, сайловга иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳар бир сиёсий партияни мамлакатимизнинг барча минтақалари сайловчилари қўллаб-қувватлашлари зарурлигини эътиборга олишимиз зарур. Ана шундай ҳолатда сайловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган партиялар барча минтақада яшовчи сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши мумкин бўлади. Бунинг учун сиёсий партияларнинг ҳар бир вилоят, туман, қишлоқ ва маҳаллаларда аъзолари бўлишига эътибор қаратиш фойдадан холи бўлмайди. Шундай қилингандагина қуйи палата ўз ваколати доирасида фаолият кўрсата олади. Минтақавий муаммоларни ҳал этиш эса юқори палата зиммасига тушади. Ва сиёсий партиялар томонидан ҳудудий муаммоларга доир масалаларнинг кўтарилишига чек қўйилади.

Фуқаролик жамиятини барпо қилиш ҳамда икки палатали тизимни шакллантириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни янада ошиши шубҳасиз. Шунга мувофиқ равишда амалдаги қонунларимиз ҳам янгиланиб боради. Ва бу мутлақо табиий ҳол. Модомики шундай экан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасидаги «Қуйидаги сиёсий партияларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади», деган бандига «Минтақавий ва ҳудудий муаммолар билан шуғулланувчи» ёки шу кўринишдаги бошқа жумлани қўшиш фойдадан холи бўлмайди.

Шунингдек, мазкур қонуннинг «Сиёсий партияларни тузиш»га доир 6-моддасида «беш минг фуқаронинг имзоси» барча ҳудудий субъектлар (вилоят, туман ва ҳоказо) бўйича тенг тақсимланиши лозимлиги қонун йўли билан белгилаб қўйилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки амалдаги қонунга мувофиқ сиёсий партия беш минг аъзосини, айтайлик, тўрт ярим мингини бир субъектдан, қолган беш юзтасини эса қолган етти субъектдан (жами 8 субъект) тўпласа кифоя. Ўша тўрт ярим минг аъзо бир туман ёки бирон каттароқ қишлоқ аҳолисидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Амалдаги қонунимизда айни шу ҳолат тартибга солинмаган. Қонундаги беш мингта имзо тўплаш «чегара»си ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим. Беш минг аъзо тўпланиб, биттадан сиёсий партия тузаверса, келажакда унинг самараси қандай бўлади?

Демократик тамойилларнинг босқичма-босқич, поғонама-поғона ҳаётимизга татбиқ этилиши Президентимиз таъкидлаганидек, тадрижий тараққиётнинг асосини ташкил этади. Босқичма-босқич ривожланиш эса қўққисдан бўладиган ҳар қандай силкиниш, кутилмаган ларзаларга чек қўяди. Икки палатали парламент тизимига ўтиш ана шундай ривожланишнинг табиий маҳсулидир.

Ўрал ҲАИТОВ,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг проректори.

...БОЗОРИНИ КЎРИНГ

Азалий одат: бирор кимса ўзга юртга қадам ранжида қилар экан, аввало, у ернинг бозорини кўздан кечиради. Пештахталарнинг тўкин-сочинлигига қараб шу эл ҳаётига баҳо беради: шукурким, Ўзбекистон бозорларининг баракаси ўзгача, қабилидаги гаплар қулоғимизга кўп чалинади,

Бухоро шаҳри марказидаги «Усти ёпиқ бозор» номини олган «Дилкушо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳам нарх-навоси энг арзон бозорлар сирасига киради. 500 савдо ўрнига эга мазкур бозорда деҳқонлар учун кўплаб қулайликлар мавжуд.

Ўтган йил бу ерда 20 миллион сўмликдан зиёд ободонлаштириш, қурилиш ишлари амалга оширилди. Бозорга кираверишда барпо этилган фавворалар мижозлар баҳри дилини очади.

СУРАТЛАРДА: «Дилкушо» бозоридан лавҳалар.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ

Қўрғонтепадаги "Оқсув" фермер хўжалиги танловнинг вилоят босқичида "Энг яхши фермер" номига сазовор бўлди. Бунинг боиси қишлоқ мулкдори бўлган Алижон Аҳмедов нафақат ўз сармоясини қўпайтиришга, балки юртдошларини ҳам арзон, ҳам сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга жиддий эътибор берди. Натижада у ўтган йилни нақд 75,9 миллион сўм даромад билан якунлади.Энди у пойтахтимизда ўтадиган танловда ўзи каби миллионер тадбиркорлар билан беллашади.

Ўз мухбиримиз.

Ён дафтардан

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА

Мустақил Ўзбекистон жаҳон билан бевосита мулоқотга киришмоқда. Дунё Ўзбекистонни, Ўзбекистон дунёни танимоқда. Бундай ўзаро қизиқиш тобора фаол тус олянти. Жумладан, «Кун чиқар мамлакати» деб ном олган Япония билан ҳамкорлик муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб боряпти. Айниқса, иқтисодий ҳамкорлик ривожланмоқда. Японияннинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ўзбекистонда Япония сармояси ва технологияси асосида телекоммуникация салмоғини кенгайтириш, темирйўлларни, Самарқанд, Бухоро, Урганчдаги аэропортларни тубдан қайта таъмирлаш амалга оширилди. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги академик опера ва балет театримиз аудиовизуал ва ёритгич ускуналари билан жиҳозланди. Педиатрия клиникалари, оналар ва болаларни соғломлаштириш муассасаларининг замонавий ускуналар билан таъминланишига, таълим соҳасидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишимизда Япония бизга молиявий жиҳатдан кўмак кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Япония ишбилармонлари билан биргаликда ўнлаб қўшма корхоналар ташкил этилди... Бундай ҳамкорлик неъматларини яна кўплаб эслашимиз мумкин.

Шу йилнинг февраль ойи ўрталарида Японияда «Сока Гаккай интернейшнл» халқаро Буддавийлар жамиятининг фахрий Президенти, машҳур жамоат арбоби, файласуф, адиб, шоир Дайсаку Икэда жанобларининг таклифига биноан Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиев, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти ректори Усмон Қорабоев ва камина бир ҳафта мобайнида Японияда сафарда бўлдик.

Бу жамиятнинг раҳбарияти Ўзбекистон қадимги цивилизация марказларидан бири бўлганлигини яхши билишади. Мамлакатимизда миллий тарих бойликлари аста-секин тўла тикланиб, ўтмишдан қолган маданий ва маърифий қадриятларга катта эҳтиром кўрсатилаётганлиги юзасидан япониялик дўстлар бизга чуқур мамнуният изҳор этишди. Мазкур жамиятнинг ўзи ҳам, жумладан, Термиз шаҳри яқинида мавжуд будда ёдгорликларини тиклаш ва бу заминда археологик тадқиқотлар ўтказиш ишида ҳам моддий, ҳам мутахассислар йўли билан ҳамкорлик қилишмоқда.

«Сока Гаккай интернейшнл» халқаро жамияти қошида болалар боғчалари, бутун бошлиқ мактаблар уюшмаси, университетни ўз ичига олган йирик таълим тизими мавжуд. Бундан ташқари, бу ерда «Мин-Он» концерт уюшмаси, «Фудзи» номли санъат музейи ишлаб турибди. Халқаро жамият раҳбарияти Ўзбекистондаги маданият, санъат, таълим ва матбуот вакиллари билан ўзларининг кўп сонли ўқувчилари, талабаларини таништириш ва ўзаро мулоқот уюштириш муддаосида ушбу сафарни ташкил этди.

«Сока Гаккай» тушунчаси «Таълим қадриятларини яратиш» маъносини англатади. «Сока» университети бу жамиятнинг фахри. Унда ўн минглаб талабалар ўқийди. Кўпгина чет эл мамлакатларидан талабалар ва олимлар бу ерда илмий стажировкадан ўтадилар. Сафаримиз ана шу университетдаги учрашувлардан бошланди. Университет профессор ўқитувчилари, кўп минг сонли талабалари билан учрашув бошланиши арафасида Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси янгради. Унинг оҳанглари остида аста-секин мамлакатимиз байроғи кўтарила бошланди. Дайсаку Икэда жаноблари ва Икэда хоним, университетнинг бошқа раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, бутун талабаларнинг назари мамлакатимиз байроғига қадалган. Мадҳия тугагач, жаноб Икэда ва бошқалар Ўзбекистон байроғи қаршисида таъзим бажо қилишиб, кейин учрашув маросимига киришдилар.

Ушбу маросимнинг яна бир томони бор. Дайсаку Икэда жанобларига Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтининг «Фахрий профессори» унвони топширилди. Икэда жаноблари, университет жамоатчилиги Ўзбекистон кўрсатган эҳтиромдан беҳад миннатдор бўлдилар.

Биз Дайсаку Икэда тўғрисида кўп эшитганмиз. Аммо унинг учрашувдаги ўзбекистонлик меҳмонларга мурожаат этиб, қилган маърузаси бизда унга нисбатан эҳтиромимизни янада ошириб юборди. Гап бу ерда унинг томонидан биз, меҳмонларга изҳор этилган ниҳоятда инсоний такаллуфларда эмас. Бундай самимий такаллуф бутун японларга хос. Йўқ, аввало, жаноб Икэданинг Ўзбекистон, унинг тарихи, маданияти, унинг буюк маданий арбоблари тўғрисида билимдонлик билан қилган маърузаси бизда чуқур таассурот қолдирди. У Алишер Навоийнинг ўлмас ҳикматли байтларидан намуналар келтирди ва бу байтларнинг барҳаёт гуманистик куч-қудрати тўғрисида завқланиб сўзлади.

Икэда жаноблари мустақил республикамиз ва унинг раҳбарияти шаънига ғоятда самимий тилаклар изҳор этди. Ўзбекистоннинг келажаги, унинг қадимги Буюк Ипак йўлида бугун қайтадан эгаллаётган улкан мавқеи ҳақида тўлиб-тошиб сўзлади. Ва давлатимиз порлоқ келажагига юксак ишонч билдирди.

Ўзбекистонимиз ҳақидаги бу ажойиб фикрларни олис Япониядаги дунёда довруғ қозонган улкан файласуфдан, арбобдан, адибдан эшитиш биз учун ниҳоятда кўнгилли ва ғурурли эди.

Буни яна шу боисдан ҳам алоҳида таъкидлаб гапиришимиз керакки, Японияда Ўзбекистонни биз Японияни билганчалик билишмайди. Тўғри, маълумотлар, ахборотлар йўқ эмас, аммо улар Ўзбекистонни кўпинча Россия матбуоти орқали ёки Россияда фаолият олиб бораётган япон журналистларининг тағин Россия матбуоти таъсирида шаклланган таассуротлари орқалигина билишади. Узунқулоқ гаплар, воситачилар орқали етиб борган ахборотларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Биз учрашувлар, мулоқотлар пайтида худди шунга ишонч ҳосил қилдик. Ва шу боисдан бўлса керак, ватанимиз вакилларининг «Сока Гаккай» жамияти ўқув юртларидаги учрашувларда қилган маърузалари тингловчилар томонидан Ўзбекистон ҳақида «энг ишончли, биринчи манба» тарзида қабул қилиниб, уларни катта қизиқиш билан тинглашди.



Биз юқорида Сока университетидаги учрашув тўғрисида сўзладик. Умуман, «Сока Гаккай» жамияти Японияда мавжуд бўлган анъанавий, авторитар таълимдаги услубни ислоҳ қилиш, ўзгартириш, болалар шахсиятининг ўзига хослигини асраб-авайлаш, улар ақлининг изланувчанлик қобилиятини эркин ривожлантириш, инсонни болаликдан мустақил фикрлашга ўргатиш, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятига дадил йўл очиш, умуман, ёшларнинг онгли, юксак маърифатли чуқур маданиятли қилиб тарбиялашга катта эътибор берилар экан.

Ўқув юртлари, мактабларнинг ўзи тоғ этакларида, ўрмонлар орасида, табиат оғушида жойлашган. Бундай муҳитнинг ўзи болаларни табиатга чуқур муҳаббатли этиб ўстиради. Японлар ҳар бир дарахтни, бир парча ерда бўлсада, яшнаб турган кўкатзорларни катта бойликдек, ғоятда асраб-авайлашади. Япония гуллаб-яшнашининг илдизларидан бири ҳам, жумладан, экологик тарбиянинг шу қадар чуқурлиги ва астойдиллиги билан изоҳланса, ажаб эмас.

Таълимдаги яна бир мезон ибратлидир. Умуман Японияда «Сока Гаккай интернейшнл» жамияти таълим тизимида инсоннинг кундалик амалиётига қараб таълимнинг натижасига баҳо беришади. Масалан, сиз маданият тўғрисида хоҳлаганча сўзлашингиз мумкин. Лекин япон ёшлари маданиятли эканлигини амалда исбот қила олишлари керак. Бу шарт. Маданият эса, японларнинг назарида, ўз халқи тарихи, урф-одатлари, анъаналарини табаррук деб билишда, энг замонавий касб-ҳунарларни юксак малака билан эгаллаш ва амалга тадбиқ эта олишда, умуман, замонавий яшаш ва фикрлаш тарзида кўринади. Маданий тарбиянинг ажойиб намуналарини Японияда ҳар қаламда учратиш мумкин. Мана, бир далил. Сока университети фойеларида, залларида ажойиб рассомчилик асарлари илинган. Энг машҳур япон рассомлари асарлари ва жаҳон тасвирий санъати дурдоналари! Улар қимматбаҳо. Лекин, нима бўлганда ҳам, бу асарлар университетга шу даргоҳни битириб кетган собиқ талабалар, бугунги йирик бизнесменлар, саромядорлар томонидан тақдим этилган. «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом» деб шунга айтсалар керак-да. Бу мақол бизда ҳам, бошқа халқларда ҳам учрайди. Лекин Японияда бу мақол шунчаки ўгит эмас, балки японларнинг қон-қонига сингиб кетган анъана, урф-одатдир. «Сока» университет ва мактабларини тамомлаб, ҳаётда алақачон ўз ўрнини топган япон қадрлари ҳамон ўзларига таълим берган остонани унутмайдилар. Бу остонага мунтазам таъзимдалар. Қўлларидан келса, бу даргоҳларга ҳомийлик ёрдамларини ҳам аямайдилар. Бундай бурчдорлик ҳис-туйғусидан бизлар ҳам ибрат олсак, арзийди. Ҳар қалай, ҳозирги кунда бизда ўзи бир вақтлар ўқиган мактабдан, институтдан ёки университетдан хабар олиб, «Бизга нима хизмат бор?» дейдиган азаматлар учраб турадими? Улар ҳаётда етарлими? Бундайлар қанча кўпайса, шунча яхши.

* * *

Кези келганда япон матбуоти тўғрисида ҳам бироз тўхталайлик. Аниқроғи, биз меҳмон бўлган даргоҳ — «Сока» жамияти тизимида матбуот хизмати қандай йўлга қўйилган? Жамиятнинг «Сэйкйо» номли 12 саҳифали, йирик ҳажмли газетаси бор. Унга 1951 йилда асос солинган. Яқинда газетанинг 12 мингинчи марта чиқиши нишонланибди. Газета ҳар куни 5,5 миллион нусхада чиқади. Японияннинг 30 шаҳрида чоп этилади. 260 минг киши уни тарқатиш билан машғул. Ушбу газетанинг болаларга, ўсмирларга, спортга ва бошқа масалаларга бағишланган кўпгина иловалари бор. Муҳими, газета Япониядаги ва дунёдаги бугунги янгиликни газетхонга шу бугуннинг ўзидаёқ етказади. Бунинг далили шуки, биз Сока университетида ўтказган учрашув тўғрисидаги ахборот ва тегишли фотосуратлар босилган «Сэйкйо» газетасининг янги сонини учрашувни якунлаб, университет биносидан чиқар-чиқмасимиздан қўлимизга тутқазишди.

Табиийки, «Сэйкйо» газетасининг аҳоли ўртасида, аввало, миллионлаб нусхада тарқалиши ҳамда унинг ахборот етказишдаги тезкорлиги эътиборимизни тортди.

* * *

Япония ҳудудининг тўртдан уч қисми тоғлик жойлар. Тоғлар орасида тор дараларида, тоғ этакларида шаҳарлар, қишлоқлар. Аҳолиси. — 126 миллион киши. Ер танқис. Шу боисдан ҳар бир қарич ер — ҳисобда. Масалан, биз саҳролар ва даштларни ўзлаштириб ерни кенгайтирсак, японлар ҳатто денгиз, океан соҳилларининг ҳам йўл-йўсинини топиб, кенгайтиришади ва фойдали ерга айлантиришади.

Бизни Осака аэропорти ҳайратга солди. Нимаси билан денг? Унда ҳамма нарса тебраниб, чайқалиб турарди. Кейин билсак, Осака аэропорти денгиз соҳилидан ўзлаштирилган ерда, қум-шағал тўкилиб, майдон очилиб қурилган экан. Денгиз тўлқинлари куч билан соҳилга урилганида, соҳилдан «тортиб олинган» ерда барпо этилган аэропорт ҳам титраб, силкиниб турар экан.

Осака шаҳри билан аэропортни денгиз устидан ўтган икки қаватли осма кўприк боғлаб туради. Кўприкнинг узунлиги 3700 метр. Денгиздан 43 метр баландликда. Бу кўприк етти йил мобайнида қурилган экан. Ҳаракат икки томонлама. Бир қаватида аэропортдан шаҳарга, иккинчи қаватида шаҳардан аэропортга қараб транспортлар ҳаракатланади.

Осака аэропорти ҳам, Осака кўприги ҳам япон ҳалқининг зукколиги, тадбиркорлигининг ўзига хос белгисидир.

* * *

Биз Киота шаҳрида ҳам бўлдик. Киота шаҳрида «Сока Гаккай» жамиятининг мактаблари бор. Киота — Японияннинг эски пойтахтларидан бири. Аниқроғи, XIX асрда Киота худди шундай мавқедаги шаҳар эди. Бу шаҳар ажойиб меъморчилик ёдгорликларига бой. Унда тошлардан безалган боғ мавжуд бўлиб, дунёга машҳур. Шаҳардаги олтин ва кумуш эҳромлар ҳам ғоятда довруқлидир. 1,5 миллион аҳолиси бор бу шаҳарга ҳар йили 40-50 миллион нафар сайёҳлар ташриф этади. Туризм — шаҳарнинг асосий даромад манбаларидан бири. Зеро, японлар ўзларига дунёни жалб этишга интиладилар.

* * *

Япония, гарчи табиати гўзал бир мамлакат бўлса-да, лекин унинг шу гўзалликлари ичида инсон учун синовли жиҳатлари ҳам яширин турган-дек. Масалан, Буюк Британия дунёда энг серёғин мамлакат ҳисобланади. Лекин ёмғирининг мўл-кўллиги жиҳатидан Япония уни ҳам ортда қолдиради. Тўфонлар, тошқинлар, тропик жала, цунами, зилзилалар Японияда тез-тез рўй бериб туради. Фақатгина ғоят чидамли ва меҳнатсевар япон халқи табиатнинг бу мушкулликларига бардош берибгина қолмай, балки ўз мамлакатларини дунёнинг энг баркамол давлатларидан бирига айлантира олдилар ҳам.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Япония тўғрисида фикр юритиб: «Интизомни, меҳнатсеварликни биз японлардан ўрганишимиз керак» деган эдилар.

Дарҳақиқат, шундай. Худди шу интизом ва меҳнатсеварлик туфайли Япония ҳавас қилса арзигулик бир мамлакатга айланди. Бу мамлакатнинг автомобиллари ва кундалик маиший турмуш техникаси буюмларини, электрон жиҳозлари ва алоқа тизимининг юксак сифатини дунё тан олган.

Япония гарчи хомашёни бошқа мамлакатлардан олиб келса-да, лекин дунёдаги энг йирик маҳсулот экспорт этувчи давлатдир. Аниқроғи, ер юзидаги иккинчи йирик саноат давлати. Ер юзидаги 500 та халқаро миллий компанияларнинг 141 таси Японияники. Маҳсулотларини дунёга сотиш бўйича биринчи учта ўринни ҳам яна шу япон компаниялари эгаллаб турибди. Япония Осиёда, Америкада, Европада ўз ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этган, уларда юксак технологик сифатли маҳсулотлар чиқарилмоқда.

* * *

Японияда илм-фан тараққиётига ҳам катта эътибор берилади. Илмий-тадқиқотларга йирик сармоя ажратилиши жиҳатидан ҳам бу мамлакат жаҳонда иккинчи ўринда туради. Японияда 600 минг илмий ходим бор. Улардан тахминан 270 минг нафари патентлар олган. Бу жабҳада япон олимлари дунёда биринчи ўринни эгаллашади.

Японияда илмий-тадқиқотчиликка ялпи миллий даромаднинг уч фоизи миқдорида маблағ ажратилади. Бу дунёдаги энг юксак кўрсаткичдир. Илм-фаннинг ривожида хусусий корхоналар катта роль ўйнайди. Масалан, бу борада 1997 йилда АҚШда лицензия олган 10 та йирик компаниянинг 7 таси Япония компанияларидир.

Интизомли, меҳнаткаш, уқувли ва юксак илм-маърифатли фидойи японлар Япония тараққиётининг бош ҳаракатлантирувчи кучи ва мамлакатнинг қудратидир.

Аббосхон УСМОНОВ.

БИР ҲАФТА

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Фаровонликка хизмат қилади

Аҳоли бандлигини ошириш, ишсизлик даражасини пасайтириш, янги иш ўринлари яратишда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, «Бизнинг минтақамизда азал-азалдан ҳунармандчилик ривожланган. Тўқимачилик, миллий пойабзал тикиш, кулолчилик, амалий санъат, ганчкорлик, темирчилик, ўймакорлик билан шуғулланадиган кичик-кичик устахона ва дўконлар кўп бўлган. Аҳолининг асосий қисми шу касб-ҳунарлар билан банд бўлиб, уларнинг маҳорати авлоддан авлодга ўтиб келган. Биз буни ёддан чиқармаслигимиз, бугунги дунё тараққиётидан келиб чиққан ҳолда уларни янги техник асосда қайта тиклашимиз лозим».

Бу борада, айниқса, кўҳна Самарқанднинг имкониятлари беқиёс. Нафақат шаҳарда, балки вилоятнинг олис қишлоқларида ҳам ҳунармандчилик сулоласини давом эттираётганлар кўп. Бугунги асосий вазифа эса уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун шароит яратиб беришдан иборат.

Самарқандда ўтказилган республика Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлигининг кенгайтирилган йиғилишида ана шу масала муҳокама қилинди. Маърузачилар ва сўзга чиққанлар 2002 йилда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий хомашё ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, миллий ҳунармандчилик, туризмни тараққий эттириш орқали янги иш ўринлари яратиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Йиғилишда Самарқанд вилоятида ушбу йўналиш бўйича дастур қабул қилингани аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш, уларнинг фаровонлигини ошириш йўлида хизмат қилиши таъкидланди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда



ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

Йўл ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чоралари ўз самарасини бераётганлиги сабабли республикамизда ҳар йили «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.

Тадбирга йўл-патруль хизмати ходимлари ва кенг жамоатчилик жалб қилинган. Бу нафақат ҳайдовчиларни, балки йўловчиларни ҳам бефарқ қолдираётгани йўқ. Уларни ҳушёр бўлишга, зийракликка чорламоқда.

Бугун пойтахтимиз кўчаларида ҳам тадбир асосида иш олиб борилмоқда. Натижаси эса ёмон эмас. Уюшқоқлик ўз самарасини беряпти.

Сиз кўриб турган суратда пост-патруль хизмати ходими Абдунаби Ниёзмуҳаммедов ва Раҳимжон Ҳасановлар иш жараёнида.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Янги замон одамлари

ЮРАГИНГ ЁНМАСА ҲАММАСИ БЕКОР

Ерни ўпиб, уни ўзига пир деб билган бу икки оила аъзолари аслида бир-бирларини унчалик яхши танишмайди. Аммо...

Қоратой Мирзаевнинг бутун ҳаёт йўлини кўз олдимизга келтириш учун унинг серқадоқ кафтларига бир боқиб қўйишнинг ўзи кифоя. Айтишларича, оламнинг қўллари, унинг кўзлари ўз эгаси ҳақида мукаммал ҳикоялар сўзлаб берармиш.

Бахмалдан Мирзачўлга, аниқроғи, Сайхунобод туманига кўчиб келганларида, Қоратой аканинг оёқларидан ўт, кўзларидан эса учқун сачрарди. Машина ҳайдади. Ғўзага сув қуйди. Пахта терди. Ўғли Икромжон ҳам ота изидан кетди. Эсини таниганидан буён саратонда соябони ғўза, иккинчи уйи дала, мингани эса трактор деб аталган темир тулпор бўлди.

Сайхунободда уларни бой, деб аташади. Бу сўзни атайлаб қўштирноққа олмадик. Негаки, унинг замирида на таъна, на писанда бор. Зуҳро юлдуз «милт-милт» қила бошлаганда, ота-бола далага йўл олади. Қуёш ётоғига кириб, чирилдоқлар нағмасини бошлаганда эса даладан уйга қайтишади. Бу одат йилўн икки ой мобайнида бир зайлда кечади. Пахтаю буғдойга қачон ўғит, қачон сув, қачон ишлов зарурлигини ота-бола уларнинг рангига қараб бехато айтиб беришади.

Мана, бир неча йилдирки, туманга ташриф буюрган вакилу меҳмонлар тўғри уларнинг даласига бошлаб келинади. Мирзаевлар ўзлари учун, ҳамқишлоқлари учун ишлаётганини, бу меҳнатлари кузакда хирмон-хирмон дон, жарақ-жарақ пул бўлиб оқиб келишини яхши билишади.

Маҳобатдан йироқ бир гап. Отанинг ҳовлисида қирқ қулочлик узун бир айвон бор. Юз тоннага яқин буғдой сиғадиган мана шу айвон донга тўлса, уй соҳиби дўпписини ечиб, тиззасига бир уриб қўяди. Бу одат, бу қилиқ унинг кўнгли тўлганлигидан бир белги. Агар беш-ўн тонна буғдой кам бўлса, ота дўппини пешонасига суриб, Икромжонга им қоқади. Бу имнинг маъноси бундай: «Ҳосилнинг чўғи кам-ку?» Икромжон илжаяди. «Ота, боринг баракасини берсин. Ўтган йили давлатга 144 тонна дон топширдик. Қанча буғдойни одамларга тарқатдик. Юз тоннага яқин пахтаю давлатга етказиб берган буғдойимизнинг пули йигирма миллион сўмдан ошади. Пахта ёғию кунжара, сабзавоту чорвадан тушган даромад бу ҳисобга кирмайди. Яна бизга нима керак?» — дейди.

Ота-боланинг уйи кўчанинг икки бетида. Улар мисоли қаср. Шаҳарга тушсалар, тагларида гижинглаган «Нексия» шамолдай учади.

Қоратой Мирзаев шундай ҳикоя қилади:

— Бахмалдан атайлаб Мирзачўлга «Беш юлдуз» навли олма кўчатлари олиб келиб ўтқазганман. Ҳар кузда невараларим, қўшниларимнинг болалари боғдаги ана шу меваларидан тотинганида, яйраб кетаман. Тўқчилик, фаровонлик, деган гаплар бор. Агар тупроқ чангаллаб, терга ботиб меҳнат қилмай кўринг-чи, бирингиз икки бўлармикин? Бармоғимдан бол ялайман, деган одам меҳнатнинг тўнини елкасидан ташламаслиги керак.

Энди «Гулистон» ширкат хўжалигидан «Бирлашган» ширкат хўжалигига йўл оламиз. Иккинчи қаҳрамонимиз Раҳматулла ота Шукуров бу йил 84-баҳорни қарши олаяпти.

— Олтита ўғлим ва иккита қизим бор, — дейди отахон. — Ўзим олтмиш йил Мирзачўлда сувчи бўлиб ишладим. Кетмоннинг орқасидан ҳамма болаларимни уйли-жойли қилдим. Саккиз йил аввал «Турон» деб аталган фермер хўжалигини очгандик. Иш бошлаганимиздан то ҳозирги кунимизгача давлатдан бир сўм ҳам қарз олмаганмиз. Боя фермада кўрган сигиру хўкизларнинг зоти «Бушуев» деб аталади. Уларнинг асли тарқалиши Сайхунободдан. Ранги оқ бўлганлигидан, жонивордар иссиқликка чидамли. Ҳадеганда касал ҳам бўлавермайди. Мол-ҳолимизнинг сони 200 бошдан ошиб кетди. Туманнинг каттаконлари 100 гектар ер ажратиб берган. Аслида бизга яна шунча ер керак. Аммо борига қаноат қилаяпмиз. Хўжаликда ер кам. Юз гектар майдондан бошқаларга қараганда бир ярим, икки баравар кўп маккажўхори ва беда етиштирсак, олам гулистон. Энди яна бир гап. Мен ўғилларимнинг биронтасини ҳам далада, фермада ишлашга мажбур қилмаганман. Уларнинг қонида меҳнатга ташналик бор. Буни қарангки, мана шу фазилат невара-чеваларимга ҳам ўтган. Бу боласи тушмагурлар иш деган нарсага бамисоли қўйтикондек ёпишади. Назарим бош, Сафарим эса ёнбош бўлиб фермани юргизади. Қолган болаларим далада ишлайди.

Яқинда Тошкент томондаги бир хўжаликка иккита буқа сотдик. Уларнинг тирик вазни икки ярим тонна чиқса бўладими! Молимизни олишга келган хўжаликнинг бош бухгалтерию зоотехниги ҳуштак чалиб юборди. Ана шунақа гаплар. Оилада қирқ беш жон бир жойда овқатланамиз. Ҳар куни келинларим қозонга беш кило гўшт солади. Гоҳо-гоҳо ўғилларимга «Рўзғорларингни бошқа-бошқа қилиб берай» десам, уларнинг қош-қовоғи осилиб кетади. Бундай қилсак, рўзғордан барака қочармиш. «Сенику-меники» деган гап пайдо бўлармиш. Очиғи, уларнинг бу мулоҳазаларини эшитиб, ичимда суюниб қўяман...

Ота бироз тин олди. Ёстиққа ёнбошлади. Бир бурда иссиқ нонинг қатига учта майиз солиб, оғзига ташлади. Биз ташқарига чиқдик.

— Отамнинг фикри зўр, гаплари жўяли, лекин бир одати борки, ҳар йили паст-баланд гапга сабаб бўлади, — дейди Сафар Шукуров. — Мана бу тол шохида турган кетмонга бир қаранг. Тортинманг, бемалол кўтараверинг, кўринг. Отам тушмагур ҳалиям шу кетмон билан қовунтарвузни чопиқ қилади. Бунинг зилзамбиллигидан эса биз чўчиб қолганмиз. Икки йил аввал отамга билдирмай, кетмоннинг ярмини қирқиб қўйдик. Бўлди жанжал, бўлди тўполон. «Бу кетмон билан эркак эмас, аёл ишлайди...» дея уни зовурга отиб юборди. Бунисини эса ўзи атайлаб Бахтдаги бозордан олиб келди. Тонгда турмаган, тунда соат 12 дан аввал ухлайдиган одамни отамнинг жини суймайди. Буям бир феъл бўлса керак... Нима дедингиз?

Икки қаҳрамонимиз ҳақидаги ҳикоя-га шу ерда нуқта қўямиз.

Расмий бир маълумот. Сайхунобод туманида фаолият юритаётган 600 тага яқин фермер хўжалигининг 472 таси ўтган йили давлатга пахта, галла, чорвачилик маҳсулотлари сотиш шартномавий режаларини ошириб бажарди. 24 та фермер хўжалиги эса туман ҳокимининг қарори билан ўз фаолиятини тўхтатди. Халқда «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деган нақл бор. Бу ҳаётнинг қайноқ қучоғидан, узоқ йиллик қузатишу тажрибалар бағридан юлиб олинган нақлдир.

Юртбошимиз шу йил 14 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида фермерлик ҳаракати — бу тараққиёт талаби, фаровонлик асоси эканлигини таъкидлаб, «Ерни ўпган одамларгина фермер бўлишга лойиқ...» деган гапни айтди.

Мирзаев ва Шукуров сингарилар айнан ана шундай одамлар сирасига киради. Уларнинг меҳнати, изланиши, ҳар икки оилани тўкинлик ва фаровонлик манзилларига етаклади. Улар бундай манзилга бир умр интилиб яшадилар. Бундайлар юртимизда юзлаб, минглабдир.

Уларга интилиш, уларга ҳавас қилиш, улардай бўлиш шу соҳа одамлари учун аслида олтин мезондир.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сиз суратда кўриб турган механизатор Абдумалик Қўзиев "Магнум" тракторини бошқаради. Агар у киши билан суҳбатда бўлсангиз ушбу техниканинг сир-асрорини айта туриб, уни юртимизга келтирилиши Ўзбекистон — Америка ҳамкорлиги меваси эканлигини ҳам қистириб ўтади. Айтгандай, "Ўз-Кейссервис"нинг Фарғона вилояти маркази тасарруфида бундай тракторлар анчагина.

— Айни кунларда 140 та "Магнум" ҳамда 112 та "Кейс" комбайнлари деҳқонлар юкини енгил қилиб "чарчаётгани" йўқ, — дейди марказ раҳбари, вилоят кенгаши депутати Бахтиёржон Маҳкамов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

Баҳор байрами Наврўзга бағишлаб, «Сўм карточкаси» омонатларининг совринли ўйинини ўтказади.

Тиражда 2002 йил 21 мартга қадар очилган барча сўм карточкалари қатнашади.

ЮТУҒИНГИЗ 10.000 СЎМДАН 500.000 СЎМГАЧА БЎЛИШИ МУМКИН.

Ўйин 2002 йил 28 мартда бўлади.
Тираж натижаларини Миллий банкнинг барча муассасаларида сўраб билишингиз мумкин.

Супермаркетлар, дўконларда товарлар харид қилаётганингизда, ресторанлар, маиший хизмат корхоналари, уяли алоқа компаниялари, авиа ва темир йўл кассалари, автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаларининг хизматларидан фойдаланганингизда Ўзмиллийбанк сўм карточкалари ёрдамида улар ҳақини тўлаш чоғида қулайликни ҳис этасиз.

Сўм карточкаларини сиз Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг барча бўлим ва филиалларидан бепул олишингиз мумкин.
Мулоқот учун телефонлар: 137-62-80, 137-62-83.
www.nbu.com

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР

БУ ШУНЧАКИ ОРЗУМИ ЁКИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ МУМКИН БЎЛГАН ВОҚЕЛИКМИ?

Шу йил февраль ойининг бошида республикада пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг миллий тўлов тизимини яратишга оид ҳукумат қарорини бажариш, шунингдек, банк тизими мутахассисларини карточка технологиялари, электрон тўлов тизимлари ва электрон тўлов асбоблари билан таништириш мақсадида машғулот-тақдимот бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Банклар ассоциацияси Халқаро VISA intenational CEMEA тўлов ассоциацияси билан ҳамкорликда уюштирди. Унда кўрилган масалалар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Чунки машғулот давомида Халқаро VISA intenational тўлов ассоциацияси, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ва тижорат банклари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг йўл-йўриқлари муҳокама қилинди. Жумладан, пластик карточкалар бўйича халқаро тўлов тизимига чиқиш ва мамлакатимизда VISAнинг минтақавий процессинг марказини барпо этиш имконияти кўриб чиқилди.

Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкинки, бугунги кунда банк карточкалари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш жараёни жаҳонда кенг қулоч ёймоқда. Эндиликда бундай карточкалар кириб бормаган бирор соҳа борлигини тасаввур қилиш қийин. Бироқ бизнинг оддий фуқароларимиз хизмат ва товар учун тўловнинг бундай қулай усули ҳақида ҳозирча аниқ тушунчага эга эмас, десак муболаға бўлмайди. Шу боис Ўзбекистон Банклар ассоциацияси бош директорининг ўринбосари Жамолиддин АСРИДДИНОВ билан карточка технологиялари тарихи ва бу технологияларни республикада ривожлантириш истиқболлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Жамолиддин Салоҳиддинович, аввало, суҳбатимизни «Пластик карточканинг ўзи нима?» деган саволдан бошласак.

— Бу шахсийлаштирилган тўлов воситаси бўлиб, товар ёки хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш, шунингдек, банк бўлимлари ва банкоматлардан нақд маблағлар олиш имконини беради. Шу мақсадда карточкани қабул қилувчи савдо-сервис корхоналари ва банк бўлимлари жойларда хизмат кўрсатувчи шохобчалар тармоғини ташкил этади.

Карточкалар бўйича сотиш ёки пул беришнинг ўзига хос жиҳати шундаки, одатда операциялар дўкон ва банклар томонидан гўё «қарз»га бериш шаклида амалга оширилади. Яъни, товар ёки нақд пул мижозга шу заҳотиёқ берилади, унинг ҳақи эса хизмат кўрсатаётган корхонанинг ҳисоб рақамига маълум вақтдан кейин келиб тушади.

Пластик карточкаларни чиқарган банк-эмитент уларга хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келадиган тўлов мажбуриятининг кафолатчиси ҳисобланади. Шу боис карточкалар улар амал қиладиган бутун муддат давомида банкнинг мулки бўлиб қолади. Карточкаларни эса мижозлар фақат ундан фойдаланиш учун оладилар.

— Карточкалар қачон пайдо бўлган?

— Дастлабки кредит карточкалари ўтган асрнинг бошларида Америка Қўшма Штатларида уларнинг эгаси ушбу банкдан ташқарида кредитга қодир эканлигини тасдиқлаш мақсадида чиқарилган. Ўша асрнинг ўрталарига келиб, махсус банк карточкалари ёрдамида ҳисоб-китоб қилишнинг автоматлаштирилган тизими пайдо бўла бошлади. «Дайнерс клаб» тўлов тизимини ана шу янгиликнинг қалдиғочи, дейиш мумкин. Сўнгра ривожланиш ва байналминаллашув суръатларига мувофиқ, Amerucah Expzess, VISA, Master Card каби ҳозирги кунда машҳур бўлган тизимлар юзага келди.

Ҳозирги классификация бўйича дастлаб универсал карточкалар «саёҳат ва кўнгил ёзиш» ҳамда соф банк карточкаларига бўлинган. Улар Дайнерс клаб, Америкэн Экспресс, Карт Бланш компаниялари томонидан чиқарилган бўлиб, асосан меҳмонхона, ресторан тўловлари, яъни кўпроқ саёҳатчи бизнесменлар учун мўлжалланган. Банклар чиқарган карточкалар эса «оддий мижоз»ларга аталган эди. Ҳозирги кунда дунёда пластик карточкалар чиқараётган ва уларга хизмат кўрсатаётган кўплаб тўлов тизимлари мавжуд.

— Бизнинг мамлакатимизда улар қачондан бошлаб жорий этилмоқда?

— 1994 йилнинг май ойида ҳукуматимизнинг «VISA дебет ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди. Айнан ўша вақтдан бошлаб республикамизда тижорат банклари томонидан Халқаро VISA intenational ва Europay intenational тўлов ассоциациялари карточкаларини жорий этиш жараёни бошланди. Бугунги кунга келиб, Миллий банк, «ЎзДЭУ» банки Халқаро VISA, АБН АМРО Банк ва «Асака» банки Europay ассоциациясининг асосий аъзолари мақомига эга. Масалан, Миллий банк Carl Tech LTD инглиз компаниясининг илғор халқаро технологиясидан фойдаланган ҳолда, «Виза бизнес», «Виза электрон» русумидаги карточкаларни чиқариб, хизмат кўрсатмоқда. У халқаро пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича ўзининг шахсий прессинг марказига ҳам эга. Бундай марказ «ЎзДЭУ» банкида ҳам мавжуд бўлиб, у энг нуфузли карточкалардан бири — VISA,GOLD олтин карточкасига хизмат кўрсатмоқда. АБН АМРО Банк эса Europay ассоциациясининг бир неча турдаги пластик карточкаларига хизмат қилмоқда.

— Айтиш мумкинки, қоғоз пуллар — кечаги кун воситаси. У билан муомала қилишнинг ташвишлари кўп. Банкнотлар эскиради, йиртилади. Бундан ташқари, уларга хизмат кўрсатиш ҳам қимматга тушади...

— Пул муомаласи соҳасида ўтказилган тадқиқотлар натижасига қараганда, бугунги кунда энг ривожланган мамлакатларда ҳам йилига ялпи миллий даромаднинг қарийб беш фоизи нақд пул айланмасига хизмат қилишга сарфланмоқда. Хорижий банк экспертларининг айтишича, муомалага қанча пул чиқарилган бўлса, уларга хизмат кўрсатиш ҳам шунчага тушаяпти.

Айниқса, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш давлат ва тижорат молиявий тузилмаларига ҳаддан зиёд қимматга тушмоқда. Муомалага янги пул чиқариш, эскиларини алмаштириш, ходимларни ушлаб туриш, оддий мижозлар билан ишлашдаги ноқулайлик ва уларнинг кўп вақт йўқотишлари мамлакат иқтисодиётига ҳам оғир юк бўлмоқда. Масалан, Россияда ҳар бир рубль қийматининг 20 фоизи уни муомалада ушлаб туришни таъминлашга кетмоқда. Нақд пул айланмаси муаммосини ҳал этишнинг мақбул ва энг истиқболли усулларидан бири — бу нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг самарали автоматлаштирилган тизимини яратишдир. Экспертларнинг таъкидлашича, бундай тизим нақд пул айланмасини қарийб учдан бир баравар қисқартириши мумкин.

Ўзбекистонда карточка технологиясига асосланган миллий тўлов тизимининг жорий этилиши ҳам ўз навбатида муомалада бўлган нақд пулнинг умумий миқдорини анча камайтириш, қоғоз пул айланмасига харажатларни пасайтириш ва кўпчилик учун замонавий банк хизматларидан фойдаланиш имконини беради.

Шуни айтиш керакки, гарчи ҳозир бутун дунёда нақд пул айланмаси анча камайиб бораётганлиги кузатилаётган бўлса-да, бу жараён пластик карточка ва йўл чеклари ҳисобига барқарор кечмоқда. Айрим ривожланган мамлакатларда умумий тўловлар ҳажмидаги нақд пулсиз тўловлар улуши ҳатто 70 фоизни ташкил этаяпти. Буни VISA intenational ассоциацияси мисолида кўрадиган бўлсак, дунё бўйича 21 мингдан зиёд тижорат банклари шу тизим билан боғланган. Бозорга чиқарилган бир ярим миллиарддан зиёд карточкадан 22 миллиондан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келади. Ушбу тизимнинг фаолият кўлами шу даражадаки, у товар ва хизматлар учун барча тўловлар бозорининг 57 фоизидан зиёдини қамраб олган. Бу тахминан 3 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

— Демак, мамлакатимизда миллий тўлов тизимини яратиш зарурат экан-да?

— Албатта. Ҳозир бу соҳада жадал иш олиб борилмоқда. Ҳукуматнинг «Банк тизимини ислоҳ қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Умумиқтисодий мажмуа иши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари эълон қилингандан сўнг ушбу тизимни яратиш лойиҳаси, айтиш мумкинки, тўлдан шакилланди. Республикамизнинг бир қатор етакчи банкларида ички хизматлар ва харид қилинган товарлар юзасидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг маҳаллий автоматлаштирилган тўлов тизими жорий этилди.



Пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш миллий тўлов тизимини яратишда кўп фаолиятли, ўзаро уйғунлаштирилган пластик карточкалардан фойдаланиш мақсади кўзда тутилган. Улар бир вақтнинг ўзида микропроцессор ва магнит чизиғига эга эмасми, айтайлик, магнит чизиғидан ҳоримда, микропроцессордан мамлакат ичкарисида, келажакда эса халқаро пластик карточкалар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

Маҳаллий ва халқаро пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича ягона универсал процессинг маркази негизида яратилаётган миллий тўлов тизими ҳамма учун — карточка эгалари, савдо ва хизмат соҳаси корхоналари, тижорат банклари ва, умуман, мамлакат иқтисодиёти учун фойдалидир. Масалан, у туфайли карточка эгалари пластик карточкада сақланаётган маблағ қолдиғидан фоиз олиш, пулни ўғирлатиш, йўқотиб қўйиш ёки ҳисоб-китобда алданиш хавфидан қутулади. Бундан ташқари улар товар харид қилиш ва хизмат ҳақини тўлаш учун банкдан имтиёзли кредит олиш, энг муҳими эса, ўзининг молиявий активларини истаган вақтда ва истаган жойда тасарруф этиш имкониятига эга бўладилар.

— Сиз процессинг маркази ҳақида гапирдингиз, у ҳақда кенгроқ тушунча бериш мумкинми?

— Процессинг маркази ихтисослашган сервис ташкилоти бўлиб, карточкалар воситасида амалга оширилган тўлов ва нақд пул берилгани ҳақида хизмат кўрсатиш шохобчаларидан тушаётган сўровларни ўрганишни таъминлайди. Бунинг учун марказ маълумотлар базасини юритади. Бунда, жумладан, тўлов тизими аъзоси бўлган банклар ва карточка эгалари ҳақидаги маълумотлар йиғилади. Айни чоғда марказ карточка эгаларининг лимитлари тўғрисидаги маълумотларни сақлайди, мабодо банк-эмитент ўз базасини юритмаётган бўлса, муаллифлаштириш сўровларини бажаради.

Бутун тизимни лойиҳалаштириш чоғида маҳаллий ва халқаро пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича ягона универсал процессинг маркази Ўзбекистон Республикаси пластик карточкалар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш миллий тўлов тизимининг асосий ва энг муҳим бўғини бўлиши назарда тутилган. Зеро, у мамлакатимиздаги турли банклар томонидан эмитацияланган пластик карточкаларнинг тўла мутаносиблигини ташкил этиш, тижорат банкларига пластик карточкалар бўйича халқаро тўлов тизимларига ва энг аввало, VISA, Europay, American Express ва бошқаларга чиқишни таклиф қилишга даъват этилган. Ягона универсал процессинг маркази бир вақтнинг ўзида битта кўп фаолиятли микропроцессор пластик карточка ёрдамида бир нечта молиявий иловалар билан ишлаш имкониятини яратади. Бундан ташқари, кўп фаолиятли микропроцессинг пластик карточкаларига телефон алоқасидан фойдаланганлик, Интернет хизмати, тиббий суғурта, жамоат транспорти хизмати учун тўловлар, хона ёки объектларга киришни чеклаш ва назорат қилишга оид иловаларни ҳам жойлаштириш назарда тутилган.

Маҳаллий ва халқаро пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича ягона универсал процессинг марказини яратиш, шунингдек, терминал тармоқ (савдо терминаллари ва банкоматлар)ни барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва дастурий-техник жиҳатдан бошқаришга қаратилган ишлари марказлаштирилган ва аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда олиб бориш, пластик карточкаларни қабул қилиш имконини ҳам беради.

— Ўзбекистон Банклар ассоциацияси банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурини амалга оширишда етакчилик қилибгина қолмасдан, ҳатто уни мувофиқлаштириб бормоқда. Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг умуммиллий тизимини жорий этиш ана шу дастурнинг ажралмас қисми эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борада ҳам ассоциациянинг вазифаси устувор эканлиги сезилади. Шундай эмасми?

— Тўғри. Ассоциация Марказий банк ҳамда республика тижорат банклари билан биргаликда айнан нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг пластик карточкаларга асосланган Миллий тўлов тизими лойиҳасини амалга оширади. У айни чоғда маҳаллий (сўмда) ва халқаро (валютада) пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича банклараро универсал процессинг марказини яратиш ишларини ҳам рўёбга чиқармоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Миллий банк, Халқ банки, «Ўзуйжойжамғармабанк», «Асака» банки, «Пахтабанк» ва «Ўзприватбанк» билан биргаликда Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг «Пластик Карт» компанияси базасида процессинг маркази тузилган бўлиб, у банклараро тўлов операцияларини бажармоқда.

Умуман олганда, бу йўналишдаги ишлар кенг қўламли ва кўп мақсадлидир. Масалан, пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида бу карточкаларнинг фаолиятини универсаллаштириш зарур. Яъни, уларни транспорт, коммунал хўжалик, кичик ва ўрта тадбиркорликка жорий этиш лозим. Шу мақсадларда Ўзбекистон Банклар ассоциацияси Марказий банк ҳамда республика тижорат банклари билан ҳамкорликда технологияларни танлаш бўйича комиссия тузган. Мазкур комиссия карточкалардан фойдаланувчиларга қулайликлар яратувчи ва амалдаги тўлов тизимига интеграциялашиш имконини кафолатловчи универсал операцияларни амалга ошираётир. Ўтган даврда у BGS Smart Card System AG (Австрия), Card Tech Limited (Англия), Ingenico, Bull, Imedi S.A. (Франция), ACI Worldwide (АҚШ), Tieto Enator (швед-фин), Knowledge Digital E-Commerce (Жанубий Корея), VISA International ва бошқа компаниялардан тушган таклифларни кўриб чиқди.

Шу билан бирга, Халқаро молия корпорацияси томонидан пилот лойиҳасини амалга ошириш бўйича маркетинг тадқиқоти ҳамда консалтинг ўтказиш учун грант ажратилди. VISA International ассоциацияси эса турли технологияларнинг EMV (Евролей, Мастер Кард ва Виза) андозаларига интеграциялашуви ҳамда пластик карточкалар бўйича халқаро ва маҳаллий тўлов тизимларини ривожлантиришга ёрдам беришга тайёр эканлигини маълум қилди. Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва Visa International — CEMEA ўртасида 2001 йилнинг декабрь ойи бошларида имзоланган Протоколга мувофиқ, томонлар мамлакатимиз ҳудудида пластик карточкалар билан ишлаш бўйича процессинг марказини биргаликда ташкил этиш ва ривожлантириш мажбуриятини олдилар.

Қолаверса, нақд пулсиз ҳисоб- китоб миллий тизимининг яхши фаолият юритиши учун меъёрий-ҳуқуқий база яратиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Зеро, жорий этилажак лойиҳанинг илмий жиҳатлари ва узоққа чўзилиши, бунинг устига, анчагина молиявий инвестиция талаб этиши муносабати билан уни амалга ошириш йўллари ва усулларига, янада ривожлантириш истиқболларини белгилашга тўғри ёндашиш устувор аҳамият касб этади.

Шу ўринда «Пластик Кард» банклараро инновация кампанияси хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу компания ассоциациямиз томонидан 1995 йилда тузилган бўлиб, айнан банк ахборот технологиялари ва электрон тўлов асбоблари соҳасига ихтисослаштирилган. Ҳозирги кунда у микропроцессинг карточкаларидан фойдаланган ҳолда товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг маҳаллий (сўмда) ҳамда халқаро VISA International ҳисоб-китоб тизимларини Ўзбекистон бозорига киритмоқда. Компаниянинг асосий куч-ғайрати пластик карточкалар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг миллий тизимини биргаликда барпо этишишига банк муассасалари ва бошқа ташкилотларни ёлжи борича кўпроқ жалб этишга қаратилган. Бу борада Ўзбекистон Банклар ассоциацияси 15 та тижорат банки билан банк ахборот технологияларини жорий этиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум ишлаб чиқиб, тегишли битимлар тузди. Ўтган беш йил ичида эса "Пластик Кард" компаниясининг ягона эмиссия марказида Миллий банк, «Асака банк», Халқ банки ва «Пахтабанк»нинг 130 минг дона маҳаллий микропроцессинг карточкаларнинг биринчи эмиссияси амалга оширилди.

Миллий тўлов тизимини яратиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари ҳақидаги суҳбатимизни якунлаб, шуни таъкидлашни истардимки, бу муҳим иш Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида кўзга ташланаётган юксалиш, шунингдек, ҳам банк соҳасида, ҳам матлубот бозорида юзага келган иқтисодий вазият шуки, ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилмоқда. Бундай ёндашувнинг боиси, аввало, ушбу лойиҳани миллий доирада жорий этиш унинг келажакдаги барча иштирокчилари, биринчи навбатда бутун республика аҳолиси, шунингдек, савдо ва хизмат соҳаси корхоналари, тижорат банклари ва уларнинг бўлимлари манфаатига кучли даражада таъсир ўтказади.

Татьяна ОРЛОВА.

Навоий кунда керак

ТИЛНИНГ «ДИЛ»И

Дунё тарихида ҳали ҳеч ким туркий тилда Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларичалик кўб ва хўб шеър битган эмас. Тилимизда жаҳонга машҳур бадиий асарлар яратиш мумкинлигини амалда исботлаб берган бу даҳо қалам соҳиби билан ҳар қанча фахрланса оз.

Маълумки, ҳар қандай тил учун феъллар, яъни иш-ҳаракатни билдирувчи сўзлар энг асосий бойлик ҳисобланади. Туркий тил учун бу айрича аҳамиятга эга. Чунки худди шу феъларнинг кўплиги, ранг-баранглиги, нозик-нозик иш-ҳаракатларни ифодалай олиш қудрати жиҳатидан форсий тилдан жуда устун эканлигини Навоий мисоллар билан асослаб исботлаган. Айтайлик, у шундай феъллардан тўқсон тўққизтасини махсус санаб, булар форсий тилда мавжуд эмаслигини айтади.

Аслида, Навоий "юз сўз" деб айтган, амалда эса тўқсон тўққиз калима тилга олинган. Мана, ўша феъллар: **қувормоқ, қуруқшамоқ, ушармак, жийжаймоқ, ўнгдаймоқ, чекримак, дўмсаймоқ, умонмоқ, ўсанмоқ, игирмак, эгармак, ўхранмак, ториқмоқ, алдамоқ, арғадамоқ, ишанмоқ, игланмак, айланмоқ, эрикмак, игранмак, овунмоқ, қистамоқ, қийнамоқ, қўзғалмоқ, соврулмоқ, чайқалмоқ, девдашмоқ, қийманмоқ, қизғанмоқ, никамак, сийланмоқ, танламоқ, қимирдамоқ, серпамак, сирмамак, каноркамак, сиғриқмоқ, сиғинмоқ, қилимоқ, ёлинмоқ, мунгланмоқ, индамамак, тергамак, теврамак, қинғаймоқ, шиғалдамоқ, синграмоқ, яшқамоқ, искармоқ, кўнграмоқ, сухранмоқ, сийпамоқ, қораламоқ, сурканмоқ, қуйманмак, инграмоқ, тўшалмак, мунғаймоқ, танчиқамоқ, танчиқолмоқ, кўруксамак, бушурғанмоқ, бухсамоқ, киркинмак, суқадамак, бусмоқ, бурмак, турмак, томшимоқ, қаҳамоқ, сиқормоқ, чичаркамак, журканмак, ўртанмак, сизғурмоқ, гурпаклашмак, чупрутмоқ, жирғамоқ, бичимоқ, қиқзанмоқ, сингурмак, қундалатмак, кумурмак, йигирмак, кунгурдамак, кинаркамак, кезармак, дуптулмоқ, чидамоқ, тузмак, қозғанмоқ, қичиғламоқ, гангирамоқ, ядамоқ, қадамоқ, чиқанмоқ, кўндурмак, сундурмак, суқлатмоқ.**

Бобокалонимиз бу сўзларга тилда эҳтиёж катта эканлигини, аммо форсийзабонлар бу маъноларни ифодалаш учун бир неча сўз қўллашлари, кўпинча, ҳатто, бошқа тилдан калима олиб ишлатишларини айтган: "Бу юз лафзидурки, ғариб мақосид адосида таъйин қилибдурларки, ҳеч қайси учун сорт (яъни форсийлар) тилида лафз ясамайдурларки, борчаси муҳтожун илайҳдурки, такаллум чоғида киши анга муҳтож бўлур. Кўпи андоқдурки, асло анинг мазмунин тафҳим қилмоқ бўлмас ва баъзиники, англатса, бўлғай, ҳар лафз тафҳими учун неча лафзни таркиб қилмагунча бўлмас, ул дағи арабий алфоз мадади била ва турк алфозида бу навъ лафз кўп топилур".

Энг муҳими, бу феъларнинг кўпи бугунги ўзбек тилида ҳам фаол ишлатилади. Ҳозир ишлатилмай қолган айримлари, аниқки, бошқа туркий тилларда сақланган. Шунинг учун шоирнинг бу сўзларни кўз-кўз қилишига фақат ўзбек тилини улуғлаш деб эмас, умумтуркий тилимизни қўкларга кўтариш деб қараш керак.

Навоий туркий маданият тарихида илк бор ана шу соф туркий сўзларнинг шеърият учун нақадар катта аҳамияти борлигини мисоллар билан тушунтирди. "Муҳокамат ул-луғатайн"да туркий феъллар ишлатилган байтлардан айримларини диққатингизга ҳавола этамиз.

Сиқармоқ сўзига Навоий келтирган мисол:

Соқиё, тут бодаким,
бир лаҳза ўзумдин борай,
Шарт буким, ҳар неча тутсанг
лабо-лаб сиқарай.

Томшимоқ феълига Навоий келтирган байт:

Соқий чу ичиб, манга тутар қўш:
Томшиб-томшиб ани қилай нўш.

Йиғламсинмоқ сўзига келтирилган байт:

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,
Йиғламсинур-у, кўзига келмас ёш.

Инграмак ва **синграмак** сўзларига мисол бўлиб келган байт:

Истасам давр аҳлидин ишқингни
пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ инграмакдур одатим,
гаҳ синграмак.

Сиқтамоқ сўзига келтирилган байт:

Ул ойки, кула-кула, қироқлатти мени,
Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени.

Ўқурмак сўзига келтирилган мисол:

Ишим тоғ узра ҳар ён ашк
селобини сурмакдур,
Фироқ ошубидин ҳар дам булут
янглиғ ўқурмакдур.

Инчкириб сўзига мисол:

Чарх зулмидаки, бўғзумни қириб
йиғлармен,
Игирур чарх (киби) инчкириб
йиғлармен.

Ҳой-ҳой йиғламоқ феълига мисол:

Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой
йиғлама кўп, -
Ки "ҳа" дегунча не гулбун,
не гунча, не гул бор!

Кўрдингизми, Навоий биргина "йиғламоқ" сўзининг етти синонимини келтирадики, булар шунчаки, яъни тенг маънодошлар эмас, балки ҳар бирининг ўз маъно жилоси – бўёғи бор. Бу сўзларнинг ҳар бири йиғининг муайян даражасини, айнан қандайлигини билдириб туради.

Навоий тилимизнинг сўз ясаш имкониятлари форсий тилдагига нисбатан устун эканлигини ҳам инкор этиб бўлмас илмий далиллар билан исботлаган. Масалан, икки ва ундан ортиқ киши биргаликда амалга оширадиган бир ҳаракатни бир сўз билан билдирувчи "чопишмоқ", "топишмоқ", "қучушмоқ", "ўпушмоқ" каби феълий шаклни, бугунги тилшунослигимиз атамаси билан айтганда, феълнинг биргалик нисбатини, от ясовчи "-чи" қўшимчасини ("сувчи", "хизоначи", "найзачи" каби), "боргудек", "келгудек"даги шаклни, "-гач" ("-қач", "-ғач") қўшимчасини, бугунги тушунчадаги равишдош ясовчи қўшимчани, сифатни кучайтирувчи "оппоқ" (ҳозир у "оппоқ" бўлиб кетган), "қоп-қора", "қип-қизил", "сап-сариқ" каби сифатнинг орттирма даражасини ясаш имкониятлари ва шу каби яна талай туркий тил бойликларини кўрсатиб берган.

Навоий тилни шу қадар нозик билган, ундаги ҳар бир икир-чикир ҳодисани ҳам шу даражада теран ҳис этганки, унинг бундай кузатишлари бизга ҳозир ҳам жуда-жуда асқотади.

Кўплар лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида "ng" ҳарфининг киритилгани сабабини англаб етганича йўқ. Баъзилар, ҳатто, алифбода "n" ҳам, "g" ҳам бор-ку, дейишади. Лекин бу икки товуш - бошқа, "ng" товуши - бошқа. Бир товушни икки ҳарф қўшилмаси билан ифодалаш тажрибаси бор. Масалан, немис алифбосида "х" - икки, "ш" - уч, ҳатто, "ч" - тўрт ҳарф билан ёзилади.

Гап шундаки, икки ҳарф билан ёзилгани билан, ўзбек тилида "нг" - бир товуш. Навоий "Мезон ул-авзон" асарида бу ҳақда ўша замондаёқ шундай ёзади: "Ва яна "нун" била "коф"лардурким, *онинг* ва *менинг* ва *тонг* ва *ўнг* ва *нанг* ва *танг* лафзида (сўзида) воқиъдурким, тақтиъда (вазнни ҳисоблаганда) соқит бўлур".

Бу ерда шоир аруз қоидасида мисра боши ва ўртасидаги ҳижода ҳеч қачон икки ундош бирга келиши мумкин эмаслиги ҳақида фикр юритади. Лекин, дейди у, "нг" товуши бундан мустасно, чунки бу ерда икки ундош ҳарф (товуш эмас!) ёзилаётган бўлса ҳам, бу - бир товуш ҳисобига ўтади ва шунинг учун туркий аруздаги бундай мисолларда вазн сакталиги (бузилиши) йўқ.

Улуғ бобокалонимиз жон қуйдириб тарғиб этган лисоний бойликларни ўз асарида қўллаши учун ҳар бир қаламкаш, шубҳасиз, тилни яхши билиши шарт. Ахир, адабиётнинг бош ашёси — тил. Сўз санъатида ҳамма нарса муаллифнинг бадиий маҳоратига келиб боғланади. Бадиий маҳорат эса тилдагина кўринади. Хусусан, шеър миллий бўлиши, она тилимиз жозибасини кўрсатиш ва қулайликларини истифода этишга таяниши шарт.

Акс ҳолда, у жаҳон сўз санъати майдонида — бу кенг, улуғ саҳнада ўз бўю бастини тўла намоён этиши амри маҳол.

Хуллас, бу таҳлиллардан Навоий тилимизнинг дилини юксак даражада билганига яна бир карра амин бўламиз. Ўзбек тилини — унинг кечаси, бугуни ва эртасини Навоийсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Султонмурод ОЛИМ.

ТАБИАТ БУРЧАГИ

Нақл қилишларича, 1796 йилнинг 9 март куни Наполеон Бонапарт гўзалликда тенги йўқ, сулув Жозефина билан никоҳдан ўтади. Шу айёмда Жозефинанинг нафис кийими, сочи бинафшалар билан безанган бўлади. Ратушадан чиқишаётганда Жозефина турмуш ўртоғидан ҳар йили никоҳдан ўтишган кунда бинафша келтиришни илтимос қилади. Наполеон эса ҳар гал сафардан сўнг бинафша ахтаришга тушар экан.

Баҳорий неъматлар

БИНАФША ИЗЛАГАН ҲОҚОН

Баҳор элчиси бинафша ўзининг жозибали кўриниши ва ёқимли анбари билан барчани маҳлиё қилибгина қолмай, балки шифобахш хусусиятлари билан ҳам дардларга малҳамлик қилади. Чунончи, бинафшанинг ердан юқори қисми қуритилиб чой-дамлама сифатида буйрак ва пешоб ҳалтасидаги тошларни нуратиш мақсадида, нафас йўли шамоллаганида, балғам кўчирувчи омил сифатида тавсия этилган.

Булғор халқ табобатида бинафша тери тошмаларига даво деб ҳисобланади. Қайнатилган бинафша барглари иллатли яра, чипқон, сизлоғич ва шишларга қўйилса, дарров қайтаради. Ундан тайёрланган қайнатма юқори нафас йўллари шамоллашида, грипп ва бодомчаларнинг яллиғланишида ғарғара сифатида ишлатилса бемор ҳолатини яхшилайди. Бунинг учун 2 грамм миқдорида қуритилган бинафшадан олиб чойнакда (200 грамм) сув билан 15 дақиқа қайнатилади. Сузиб олинган шарбатдан бир ош қошиқдан кунига 4 марта истеъмол қилиш тавсия этилади.

Бу баҳорий чечакда С ва А белгили дармондорилар, глюкозидлар, шопирувчи модда (сапонин), эфир мойлари, қанд, маъданий унсурлар, илвил моддалар мавжуд.

Бинафша ўта беор чечак бўлиб, уни ҳар қандай шароитда, бир бўйра жой топилса экиб қўйсангиз у ўзининг кўрки билан гўшангизни мафтункор ошиёнга айлантиради.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим.

Тўти:
— Қўлдан берганга қуш тўймас, деб ким айтган-а?

САВОЛ БИЗДАН...

Карпология фани нимани ўрганади?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:
РЕТРОГЕНТ.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, халқ таълими бошқармалари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2001-2002 ўқув йилида битирувчи таълим йўналишидаги бакалаврларни йўлланмалар асосида ишга тақсим қилишга киришмоқда.

Университетда билим олган бакалаврлар кенг қамровли назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион технологиялар билан кенг таниш бўлиб, ёшлар билан ишлаш малакасига ва тажрибасига эга, ҳар томонлама етук, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берувчи юқори даражадаги мутахассислардир.

Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган бакалаврларга эҳтиёжи мавжуд бўлган таълим муассасалари, корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан университетга мурожаат этишлари мумкин. Талабномангизни 2002 йил 10 апрель кунига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Сизнинг эътиборингизга мутахассисликлар бўйича статистик маълумотлар илова қиламиз.

Маълумотлар учун телефонлар: 46-28-23, 46-36-09, факс: 144-73-12.
Манзилимиз: Тошкент-147, Талабалар шаҳарчаси,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маркетинг хизмати.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИ 2001-2002 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот.

№	Таълим йўналиши	Жами битирувчилар сони	Шу жумладан вилоятлар бўйича тақсимот														
			Фарғона	Андижон	Наманган	Тошкент вил.	Тошкент шаҳри	Сирдарё	Жиззах	Бухоро	Самарқанд	Навоий	Қашқадарё	Сурхондарё	Хоразм	Қорақалп. Респ.	Бошқа республикалар
1	Математика	51	4	2	3	7	22	-	-	2	1	-	6	-	2	2	-
2	Амал.математика	39	1	1	2	5	17	-	2	-	2	-	3	-	5	1	-
3	Механика	9	-	1	-	1	-	1	-	3	1	1	-	-	-	1	-
4	Физика	48	1	3	1	5	22	1	-	-	-	1	7	2	1	2	2
5	Кимё	42	1	-	1	6	10	2	1	2	5	1	9	-	3	1	-
6	Биология	60	4	-	1	7	24	1	-	1	1	3	12	3	1	2	-
7	Тупроқшунослик	19	1	-	3	2	-	1	1	1	1	-	7	1	1	-	-
8	География	17	1	-	-	3	9	-	-	2	-	-	2	-	-	-	-
9	Гидрометеорология	9	1	-	-	1	1	1	3	-	2	-	-	-	-	-	-
10	Геология	50	1	-	-	8	15	-	2	-	3	1	17	2	-	-	1
11	Экология	20	1	-	1	2	5	1	-	1	-	1	8	-	-	-	-
12	Астрономия	7	1	-	-	2	-	1	-	-	-	-	3	-	-	-	-
13	Ўзбек филологияси	33	-	-	3	2	8	1	-	1	2	-	14	-	2	-	-
14	Славян филологияси	25	-	-	-	-	24	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-
15	Роман-герман филологияси:	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
	инглиз	102	3	-	1	14	72	1	1	2	1	-	3	1	1	2	-
	немис	15	-	-	-	4	8	-	-	-	-	1	-	-	2	-	-
	француз	15	-	-	-	1	9	-	-	3	-	-	1	1	-	-	-
16	Фалсафа	32	2	2	2	2	14	1	1	1	1	-	4	2	-	-	-
17	Жаҳон фалсафаси тарихи, мантиқ	11	-	-	-	1	-	-	3	1	2	1	2	-	1	-	-
18	Журналистика	102	3	1	-	8	42	1	2	6	22	3	12	-	1	1	-
19	Тарих	95	5	8	2	6	34	4	2	2	7	-	12	10	2	1	-
20	Сиёсатшунослик	33	1	-	-	4	15	1	2	3	-	-	5	2	-	-	-
21	Психология	36	1	1	-	-	26	-	-	-	-	1	6	1	-	-	-
22	Социология	24	1	1	3	2	9	-	1	2	2	-	3	-	-	-	-
23	Ҳуқуқшунослик	107	8	2	6	11	54	1	2	8	5	2	3	3	2	-	-
24	Иқтисодиёт	9	-	-	-	1	1	-	1	-	1	1	2	2	-	-	-
25	Менежмент	21	3	-	-	-	10	-	2	-	-	-	2	-	4	-	-
26	Геодезия, картография, кадастр	30	1	3	-	5	9	1	-	2	-	2	5	2	-	-	-
27	Минтақавий иқтисод	24	-	-	-	5	17	-	1	-	1	-	-	-	-	-	-
28	Халқаро иқтисодий муносабатлар	52	-	-	2	6	36	-	-	1	1	-	3	2	1	-	-
29	Бизнес бошқарув	25	1	1	-	2	16	-	2	-	-	-	2	-	-	1	-
	Жами	**1162**	**46**	**26**	**31**	**123**	**529**	**20**	**29**	**44**	**61**	**19**	**153**	**34**	**30**	**14**	**3**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Дипхорижхизмат» бошқармаси жамоаси «Ўздипқурилиш» бирлашмаси бош директори

Шуҳрат Шамситдинович ИСЛОМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги «Ўзсувназорат» Республика сув инспекцияси жамоаси Сурхондарё вилоят сув инспекцияси бошлиғи Закки Гатауллинга умр йўлдоши

Нияра ГАТАУЛЛИНАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Марказий қўмита раиси Чори Шодиевга падари бузруквори

Шоди ота ҒОЗИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 294. 38254 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма тобоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т] -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — У. Файзиева.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.00*